

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги
Самарқанд давлат университети
«Талабалар илмий жамияти»нинг
Н И З О М И

1. Умумий қоидалар

- 1.1. Самарқанд давлат университети Талабалар Илмий Жамияти (бундан кейин “Жамият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол ғоясини теран англовчи, республикада амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ислохотларда, илмий жараёнларда фаол иштирок этувчи, халқ, миллат эрки ва равнақи йўлида фидоийларча меҳнат қилувчи, улуғ илмий-гуманистик таълимотларни давом эттиришни ўз ҳаётининг мазмуни деб билувчи иқтидорли талабаларни ихтиёрий равишда бирлаштирадиган, ўзини-ўзи бошқарадиган, мустақил жамоат ташкилотидир.
- 1.2. Жамият Самарқанд давлат университетининг Низоми ҳамда ушбу Низомга асосланган ҳолда фаолият юритади.

2. Жамиятнинг асосий мақсад ва вазифалари

- 2.1. Жамиятнинг асосий мақсади - мустақил мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш иқтидорли ёшларнинг илмий ва маънавий-маърифий маданиятини янада юксалтириш, жаҳон фани ва маданияти хазинасини асрлар давомида беминнат бойитиб келган улуғ аллома аждодлар анъаналарини муносиб давом эттиришни ўзининг ҳақиқий бурчи деб биладиган, кенг замонавий дунёқараши билан тенгдошларига нафақат ибрат бўладиган, балки юртимизнинг буюк келажагини барпо этишда чинакам жонбозлик кўрсатадиган том маънодаги ёш, ватанпарвар зиёлилар авлодини шакллантириш йўлида университетимиздаги барча кучлар ва имкониятларни бирлаштиришдан иборат. Талабаларга билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш.

2.2. Жамиятнинг асосий вазифалари:

- Илмий соҳадаги билимларни чуқур англаш жараёнига хизмат қилувчи илмий-амалий ва илмий-назарий тадқиқотларни ривожлантириш;
- университетда илм-фанни тараққий эттириш, талабалар ўртасида илмга интилиш ғояларини кенг тарғиб қилиш;
- юртимизда етишиб чиққан улуғ алломаларимизнинг таълим-тарбия, илм-фан, ривожига қўшган тарихий ҳиссаларини кенг намоёйиш этиш;
- Талабаларни фундаментал илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш;
- талабаларнинг маънавий-маърифий камолотига хавф солувчи турли қарашларга қарши курашда илм-фаннинг муносиб ўрнини кўрсатиб бериш;

- илм-маърифат масалаларига талабаларнинг диққатини жалб этиб, уларда илм-фан туйғуларини ошириш, уларда илм-фан тармоқларига мойиллик, фазилатларини кучайтириш;
- талабаларнинг илм-фан соҳасида олиб бораётган ишларидаги муаммоларни жамият диққат марказига қўйиш, ҳамда талабаларни ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш;
- илмий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида бошқа жамоат ташкилотлари билан режали ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- талабаларнинг билим савиясини юксалтириш, жамиятимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш муаммоларига бағишланган илмий, амалий, услубий анжуманлар, давра суҳбатларини ташкил этиш;
- Талабаларнинг илмий ишларини чоп эттиришни ташкил этиш.

3. Талабалар илмий жамиятининг таркибий тузилиши

- 3.1. Университет талабалар илмий жамияти таркибига факультетлардаги талабалар илмий жамиятлари киради.
- 3.2. Талабалар илмий жамияти факультетлар, кафедраларда ташкил этилган илмий тугараклар, семинарлар ва конструкторлик буюроларини ўзига бирлаштиради.

4. Жамиятнинг ҳуқуқлари

- 4.1. Жамиятнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:
 - юзага келган муаммоларни ҳал этиш борасида университетнинг юқори органларига таклифлар киритиш;
 - илм-фан соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлларини белгилашда фаол қатнашиш;
 - факультетларда ва бўлимларда жамиятнинг мувофиқлаштириш марказларини ташкил этиш;
 - фан ва техника мувофақиятлари ва ютуқларини оммалаштиришда иштирок этиш;
 - хорижий илмий марказлар билан ҳамкорлик қилиш;
 - жамиятда муҳокама қилинган илмий-тадқиқот ишларини нашрга тавсия қилиш учун университет илмий-техник кенгашига мурожат қилиш;
 - жамиятда илмий-назарий семинарларни ўтказиш ва уларга тегишли мутахассисликлар бўйича профессор-ўқитувчиларни таклиф этиш;
 - илмий-назарий семинарларда муҳокама этилган илмий ишларни илмий-техник кенгашга тавсия этиш;
 - илмий, маданий-маърифий, хайрия ва бошқа тадбирларни тайёрлашда иштирок этиш ва қатнашиш;
 - алоҳида ишларни бажариш учун вақтинчалик илмий-ижодий жамоаларни шакллантириш;
 - ҳомийлардан қайтармаслик шартлари билан пул маблағлари ва моддий ёрдамлар олиш;

5. Жамиятга аъзолик

- 5.1. Талабалар илмий жамиятига аъзолик жамоа ва якка тартибда амалга оширилади.
- 5.2. Жамият Низомини тан олувчи, унинг фаолиятини қўллаб-қувватловчи, ирқи, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, диний ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, СамДУ талабалари жамиятнинг якка тартибдаги аъзолари бўлиши мумкин.
- 5.3. Жамиятга якка тартибда аъзоликка қабул қилиш аъзо бўлиб кирувчининг шахсий аризасига мувофиқ, жамиятнинг марказ мажлислари ва Жамият Кенгашида амалга оширилади.
- 5.4. Жамиятга жамоа тарзида аъзоликка юқорида белгиланган жамият марказлари қабул қиладилар.
- 5.5. Жамиятга чет элдан келиб таҳсил олаётган талабалар ҳам аъзо сифатида қабул қилиниши мумкин.
- 5.6. Жамият аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - жамиятнинг раҳбар органларини сайлаш ва уларга сайланиш;
 - жамият томонидан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш, жамият фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар ва ахборот материалларидан фойдаланиш;
 - жамиятнинг қарорларини ишлаб чиқиш, ташкилий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда қатнашиш;
 - жамиятга имкон даражасида ҳомийлик қилиш;
 - ҳар қандай масала юзасидан жамият кенгашига мурожаат қилиш зарур маслаҳат, ёрдам, кўмаклар олиш;
 - давлат бошқарув идораларида ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишда жамият кўмагидан фойдаланиш;
 - юқори органларга жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан таклифлар киритиш.
- 5.7. Жамият аъзоларининг мажбуриятлари:
 - жамият манфаатларини ҳимоя этишда бирдамлик кўрсатиш;
 - жамият юқори органларининг низомга мувофиқ қабул қиладиган қарорларини бажариш;
 - жамият бошқарув органлари топшириқларини белгиланган муддатда ва кўрсатилган равишда бажариш.
- 5.8. Аъзолик жамиятдан ихтиёрий равишда чиқиш ёки жамиятдан чиқариш йўли билан тўхтатилиши мумкин.
- 5.9. Жамият аъзоси аъзолик сафидан Низомга зид, жамиятнинг обрўсига номуносиб ҳаракатлари учун чиқарилиши мумкин. Аъзоларининг жамиятга аъзолиги уларнинг тегишли бўлимга берган аризаси бўйича ариза берган вақтдан бошлаб тўхтатилиши мумкин.

6. Жамиятнинг раҳбар органлари

- 6.1. Жамиятнинг умумий йиғилиши унинг юқори органи ҳисобланади. Йиғилиш ҳар икки ойда камида бир марта чақирилади.
- 6.2. Йиғилишига вакиллар факультет жамиятларида сайланади. Вакилларнинг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда йиғилиш ўтказилади.
- 6.3. Жамиятнинг йиғилиши жамият раиси ва факультет раисларини сайлайди.
- 6.4. Жамият йиғилиши Жамиятнинг раҳбар органи ҳисобланади.
- 6.5. Йиғилиш аъзоларнинг хатлари, таклифлари, аризалари билан раҳбариятнинг қандай шуғулланаётганлигини текширади;

7. Жамият фаолиятини тўхтатиш тартиби

- 7.1. Жамият фаолияти университет илмий техник кенгаши қарорига кўра тўхта-тилиши мумкин.
- 7.2. Жамият низомига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш университет илмий техник кенгаши қарорига кўра ёки жамиятнинг умумий йиғилиши қарори-га биноан киритилади.